



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018 у.г «9» март

№ 731-Н

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Тумандаги “Муродобод” МФЙ худудидаги
“Чамбил” кишлоғи худудидан фуқаро
Раббимов Обидга “Болалар боғчаси”
қуриш учун ер майдони ажратиб бериш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштыхан тумани “Муродобод” МФЙ худудидаги “Чамбил” кишлоғи худудида яшовчи фуқаро Раббимов Обиднинг “Муродобод” МФЙ худудидаги “Чамбил” кишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган 0.30 гектар ер майдонида “Болалар боғчаси” қуриш учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган аризасини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Раббимов Обидга “Муродобод” МФЙ худудидаги “Чамбил” кишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган ер майдонида 100 (юз) ўринли “Болалар боғчаси” биносини қуриш учун 0.30 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.


3. Фуқаро Раббимов Обидга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик ҳулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Болалар боғчаси” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштыхан тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 Ш.Негматов